

Истикболли мева боғларни ташкил қилиш ва уларнинг парваришlash агротехникаси.

Янги мевали боғ ташкил қилиш.

Мева дарахтлари кўп йиллик ўсимликлар 30-50 йил ва ундан ҳам узоқ вақт ўсиб, ҳосил беради. Боғ барпо қилишдан олдин боғ учун қандай ер участкаси ажратиш, боғ худудини қандай ташкил қилиш, қандай тур ва навлар танлаш, ҳамда уларни боғда қандай жойлаштириш, боғ барпо қилинадиган майдонларни тупроғини тайёрлаш, ўтказиш ва ўтказилган ўсимликларни парвариш қилишга катта этибор берилади.

Боғ учун жой танлашда иқлим шароитларини, иқлим шароити жойнинг қай балантлиги тупроғи муҳим аҳамиятга эга. Бироз нишаб, тупроғи унумдор пастки қатлами тошли, шағалли, дарё водийлардаги ерлар боғ барпо қилиш учун жуда қулайдир.

Кўпчилик мева турлари тағида ўрта ва енгил қумоқ тупроғ бўлган маданий бўз тупроғда энг яхши ҳосил беради.

Илдизлари чуқур жойлаштирилган мева турлари (олма, нок, гилос) тупроқ қавати камида 1,5 – 2,04 бўлганида, данакли турлари эса (ўрик, шафтоли, бодом) камида 0,16 – 1,0 бўлганида мўл ҳосил беради. Данакли мева турларини шағал, тошли қатлами 30-40 см да жойлашган ерларга ўрнатиш мумкин, леки бундай майдонларга махсус агротехника кўлангандагина дарахтлар яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши мумкин.

Хар бир тур ва нав тупроқ ва иқлимга нисбатан ўзига хос талабчан бўлади. Шу сабабли уларни ўсиши ва ҳосил бериши учун энг қулай шароитни яратиб жойлаштириш керак. Хар бир тур ва хатто хар бир навни ташқи муҳитга бўлган талабчанлиги турлича бўлади. Шу сабабли уларни парвариш қилиш агротехникаси табақалашган бўлиши лозим. Бунга эришиш учун турлар алохида – алохида участкаларга навлар эса алохида қаторларга ўрнатилади. Навлар эса уларни ҳосили бирин кетин пишиб териб олинadиган қилиб, яни дастлаб эрта пишар кегин ўрта пишар ва охириги қаторларга кеч пишар навлар ўтқазилади. Дарахтларнинг бундай жойлаштирилиши ерни ишлаши, шох шаббани буташ, зараркунанда ва хашоратларга қарши кураш ҳосилни еғиштириши ҳисобга олиш ва сақлаш шуларни осонлаштиради. Навлар шундай жойлашиши лозимки, улар бир биридан чанглансин, бутун мавсум даврида боғдан вир мейёрда иш билан таъминлансин. Боғдаги асосий турлар 6 - 8 навадан, бошқалар 3 – 5 турдан иборат бўлиб улар хар хил муддатларда ришадиган бўлиши лозим.

Катта майдонларда бир хил навлар экилса дарахтларни парвариш қилишни осонлаштирилию лекин ҳосил камаяди. Бунинг сабаби шуки мева дарахтларининг кўпчилик навлари ўз ўзидан ҳосил бўлмайди балки бошқа навлар билан чанглашишни талаб қилади. Ўз ўзидан чангланадиган навлар ҳам четдан чанглашган тақдирда мўлроқ ва сифатли ҳосил беради. Гулларнинг тўла чанглашиши учун хар 10-12 асосий қаордан кетиш бир икки қаторга чангловчи нав ўтқазилади. Чангловчилар стандарт навлардан бўлиши, асосий навлар билан бир вақитда гуллаши ва ҳосилга кириши мўл кўл сифатни чанг ҳосил қилиши ҳамда унинг чангланган асосий навлар билан барабар яшаши лозим.

Мевали кўчатларни жойлаштириш.

Мевали дарахтларнинг боғда жойлаштиришда дарахтларнинг ўсиши ва ҳосил беришга зарар етказмаслиги холда ўсимликларнинг озикланиши майдонидан иложи борица тўлароқ фарқланиш кўзда тутилади. Шу билан бир вақитда боғ ерини ишлаш ва дарахтларни парвариш қилиш механизмларини ҳисобга олиш лозим. Текислик майдонларда мева дарахтлари уч усулга: квадрат, тўғри бурча ва шахмат усулларида жойлаштирилади. Хозир кўпроқ тўғри бурчак усулида жойлаштирилмоқда. Бу усулга қаторлар ораси, қаторлардаги орасига нисбатан бир мунча (1-2 м) кенгроқ қайтарилади. Оқибатда 1,0 га ерга бошқа усулларга нисбатад кўпроқ дарахт ўтқазилади. Қаторларда дарахтларнинг шох шаббаси бир бирига тезроқ туташиб кетади, юқорига томон чўзилиб

кетмайди ва бир бирини сиқиб қўймайди. Шох шаббаси камайтирилган қатор оралари томон ўсади. Бу усул мева дарахтларини қалин ва сийрак ўтказишдаги афзалликларни ўз ичига олади. Тўғри бурчак усулда ўтказилган дарахтлар шамол, қора совуқ ва бошқа ноқулай шароитда бир бирини химоя қилади.

Боғдаги дарахтлар орасидаги масофани белгилашда ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (ер устки қисимлари ва илдиз системасининг ҳажми) ҳамда улар учун ажратилган озиқланиш майдонидан уларнинг иқтисодий жихатдан қанчалик мақсадга мувофиқ фойдаланиш эътиборга олинади. Қуйда мева тур ва навларини озиқланиш майдонлари берилган: кучли ўсадиган пайвандтакка пайванд қилинган олма 8 х 6 м, нок 7 х 5 м, парадизкага пайванд қилинган олма 5 х 4 м, беҳига пайванд қилинган нок 5 х 4 м, беҳи 5 х 5 м, ўрик 8 х 6 м, олхўри 6 х 5 м, олча 5 х 4 м, гилос 6 х 6 м, шафтоли 5 х 5 м, ёнғоқ 10 х 10 м, 8 х 6 м, бодом 6 х 6 м, 5 х 5 м, анор 3 х 4 м, анжир 5 х 5 м, шарқ хурмоси 6 х 6 м. Ўсимликларнинг авж олиб ўсиши кутилган тупроғи унумдор ерда ўсимликлар орасидаги масофани кенгайтириш, кучсиз ерларда эса (шағал, тошли) камайтириш керак.

Ерни кўчат ўтказишга тайёрлаш.

Боққа ўтказиладиган кўчатларнинг тутиши ёш дарахтларнинг ўсиши ҳосилга кириш вақти, ҳосилдорлиги, узоқ яшаши ва мухит шароитига чидамлиги, ерни кўчат ўтказишга сифатли тайёрлашга боғлиқ. Боғ барпо қилишдан олдин пухта тайёрланган тупроқдагина соғлом ва бақувват ўсимликлар яхши ривожланади. Тупроқни тайёрлаш ерни текислашдан, хайдашдан, ўғитлашдан иборат. Боғ барпо қилишда олдин экилган экинларнинг ҳам ахамияти катта.

Учскани текислашдан мақсад суғорганда сувни бир текис келтиришдир. Суғоргандан кегин участка плантаж плуг билан ва 70 см (бўз тупроқларда) шағалли тош тупроқларда эса 25 – 30 см чуқурликда хайдалади. Кучсиз ва кам ишланган тупроқларга боғ барпо қилишда бир – икки йил олдин дон дуккакли экин, картошка, сабзавот ва сидератлари экилгани маъқул.

Боғ участкасини режалаш.

Участкани режалаш асосий ва ёрдамчи йўллар ҳамда ихота дарахт турлари учун жой ажратишдан бошланади.

Квартал ёки кичик участкалар ажратишдан олдин тўғри тиргаклар белгилаб чиқилади. Тўғри тиргаклар ҳосил қилиш учун эcker ишлатилади, эcker бўлмаса чизимча ёки ўлчайдиган лентадан фойдаланилади. Тўғри тиргакнинг қозиклар қоқилган асосий томони бўйлаб А еуктадан В нуқтагача 8 м масофа ўлчаб олинади ва қозикча қоқиб белгиланади кейин асосий томонга тик қилиб А нуқтадан В нуқтагача 6 м масофа ўлчаб олиниб (кўчатлар қандай қалинликда экилиши мўлжалланган масофа олинади) унга ҳам қозик қоқилади А ва В нуқталар туташтирилади, уларнинг оралиғи 10 м бўлиши керак. Бунда Б А В тўғри бурчак ҳосил бўлади. АВ ва АВ чизикларнинг охиригача қозиклар қоқиб чиқилади. Уларнинг охирида ҳам шундай тўғри бурчаклар хочил қилиниб, бошқа нуқталарда ҳам иш такрорланади.

Экиладиган кўчатлар ўрнига қозикчалар қоқилиб, улар иккилантиради ва МТЗ 80 трактори канавакапател ёрдамида агатлар олиниб белгиланган нуқталарга кўчат қўйилиб қўлда экилади. Кичик майдонларда эса чуқурлар қўлда эни 70 – 100 см, чуқурлиги 60 – 10 см кавланиб экилади.

Кўчат экиш.

Кўчат ўтказиш олдидан тупроқ чуқурга тушуриб дўнгча ҳосил қилинади. Кўчат ўтказишда экиш тахтасини назорат қозикларга киритилади, тахтанинг ўртасидаги ўйиққа кўчат қўйилади. Кўчатни икки киши ўтқазади. Бир киши кўчатни олиб, илдизларини

тупроқ уюми устига тираб қўйилади. Иккинчи киши чуқурдаги кўчат атрофига юмшоқ тупроқни бир текис қилиб солади. Биринчи киши бу вақтда тупроқни кўчат кўчат илдизлари орасига тўлдириш учун уни бироз уёқ бу ёққа қимирлатиб қўяди. Иккинчи киши кўмиш вақтида тупроқ илдизларга зич ёпишиб туриши учун уни босиб босиб қўяди. Илдизларни ер бетидан олинган тупроқ билан кўмиб қўйиш керак. Кўчат ўтказилганда илдиз бўғзи оғир тупроқли майдонларда ер юзидан 5 – 6 см енгил тупроқли участкаларда эса 4 – 5 см юқори қилиб кўмилиши лозим. Кўчат суғорилиб, тупроқ ўтиргандан кегин кўчатнинг илдиз бўғзи кўчатзордагидек ер юзи бидан бир текисда бўлиб қолади. Агар ўтказилган кўчатнинг илдиз бўғзи ер юзидан чуқурроқ кўмилса тана пўстлоғи чиқиб кетади, бундай дарахтлар яхши ўсмайди, кам ҳосил беради, узоқ яшамайди. Кўчат юза ўтказилганда илдизлари очилиб қолиб, ёзда қуруб қолади, қишда эса совуқдан зарарланади. Кўчат ўтказилгандан сўнг тез – тез суғорилади.

Ёш боғларни парваришlash.

Кўчат ўтказилиб, шохлари буталгандан кегин танаси ва асосий шохларининг танагача туташган қисми оқланади. Улар дарахт танасини афтоб урушдан сақлайди. Оқлаш учун учдан икки қисми оҳак ва бир қисми лойдан иборат тайёрланади. Ўсув даврида ёш боғлар 10 – 12 марта, шағалли ерларда эса 18 – 20 мартагача суғорилади. Хар галги суғоришдан кейин тупроқ қуриши билан қатқолоқ ҳосил бўлмаслиги учун ариқчалар тупроғи юмшатилади. Дарахт танаси атрофидаги ва дарахт тушлари орасидаги ерлар мавсумда 8 – 12 см чуқурликда 3 – 4 марта юмшатилади, кузда эса 12 – 15 см чуқурликда чопилади. Яхши ўсмаётган дарахтлар тагига чопиш олтидан чириган гўнг ва суперфосфат солинади. Боғ қатор ораларига сабзавот ва чопиқ қилинадиган экинлар, дон – дуккакли (мош, нўхат, ловия) ҳамда яшил ўғит сифатида хайдаб юбориладиган экинлар экиш тавсия этилади. Боғ қатор ораларига баланд пояли донли экинлар, оқ жўхори, қунгабоқар, тамаки, уруғлик беда, буғдой экилмайди, чунки улар тупроқнинг кучини олиб қўяди.

Боғ тупроғини ишлаш.

Боғ тупроғи шундай ишланиши керакки, бунинг натижасида тупроқ дондорлиги имқони борича узоқ вақт сақланиши, тупроққа ҳаво ва нам ўтиб туриши ва бегона ўтлардан тозаланган бўлиши керак. Кўчат ўғит ва ўтлардан бўшаган боғ қатор ораларини шудгор қилиш, шунингдек тана атрофидаги, доиралар ва тана орасидаги ерларни тозалаш каби ишлар сентябрь – ноябрь ойларида бажарилади. Агар ўша вақтгача тупроқ қуриб қолган бўлса, участка суғорилади ва камида 25 – 30 см чуқурликда хайдалади. Шудгор қилинган тупроқ шу ҳолда баҳоргача қолади; бу ҳолда тупроқда шамоллаш ва нам тўплаш жараёнлари яхшиланади. Кучли шамол бўлиб тупроқни қуришиб қўядиган раёнларда сув камчил бўлган шароитда шудгор қилингандан кегин

Ўсув даври давомида тупроқ юмшоқ ва ўтлардан тозаланган ҳолда бўлиши керак. Бу иш баҳорда имқони борича эртароқ бошланади. Ёзда боғ қатор ораларини тупроғи қулобивация билан икки уч марта юмшатилади.

Боғларни суғориш.

Боғларни суғоришда асосан 4 та усул қўлланилади.

1. Пол олиб суғориш. Бу усулда боғда дарахт танасидаги 1 – 3 м ораликда узунасига ва кўндалангига плуг билан пушталар олинади. Пуштанинг баландлиги ва эни 30 см бўлади. Натижада боғ бир қанча полларга бўлиниб чиқилади ва уларга сув тўлдирилади. Улардаги сув 6 – 12 соатгача туради. Бундай усул шўрхоқ ерларда қўлланилади.

2. Уя олиб суғориш. Дарахт атрофи уя олиб бироз ковланади ва уяларга сув қуйилади. Бу усул текисланмаган, паст баланд, сув бир мейёрда келиб турмайдигон ва қисқа муддат бериладиган жойларда қўлланилади. Пол ва уялар дарахт аторфида сувни кўп тўплаш имконини беради.

3. Бостириб суғориш. Текис ерда барпо қилинган боғлар бостириб суғорилади. Бу усулда суғорилганда сувнинг ерга бир текисда таралиши сингиши, пастроқ жойларда тўпланиб қолмаслиги ва айрим жойларни ювиб кетмаслиги кузатилиб турилади. Сувни бирданига қўйиб, айрим карталарни кетма – кет сувга бостириш маъқулдур. Бу усул яхоб беришда қўлланилади.

4. Жилдиратиб суғориш. Бунда соз тупроқли боғ дарахт қатор ораларида 20 – 25 см чуқурликда ва эгатлар орасини 100 – 120 см, ўртача кумоқ тупроқли ерларда эса 80 – 100 см, енгил шағалли тупроқда 60 – 70 см қилиб эгат олинади. Биринчи эгат дарахт тепасидан 0,75 – 1,0 м ораликда ўтказилади. Хосилга кирмаган ёш боғларда дарахт қаторларининг хар қайси томонидан бир икки эгат олинади. Дарахтлар ўсган сари эгатлар кўпайтирилиб олтита саккизтага етказилади. Бу усул энг мукамал услу бўлиб барча вилоятларда боғларни суғоришда қўлланиладиган асосий усул хисобланади.

Боғларни суғориш сони ва нормалари тур ва навнинг биологик хусусиятларига, ёшига, тупроқга, сизот сувларининг сатхига, пайвандтагига, хосилдорлигига ва ўсув даврига, об – хаво иссиқ ёки совуқлигига боғлиқдир. Одатда данакли турлар уруғлиларга қараганда сувни камроқ талаб қилади, аммо юза томир отадиган олхўри сувга талабчандир. Эрта пишар навлар, кеч пишар навларга қараганда намни камроқ талаб қилади, ёш мева дарахтлари кекса дарахтларга қараганда кўпроқ суғоришни талаб қилади. Илдизи юза жойлашадиган паст бўйли пайвандтагга уланган мева дарахтлари кучли ўсадиган пайвандтаглардаги дарахтларга қараганда кўпроқ суғоришни талаб қилади. Шағалли ерлардаги боғлар тез – тез, сизот сувлари яқин жойлашган боғлар камроқ суғорилади. Мўл хосил берган боғлар, мевалари кеч пишадиган боғлар кам хосилли боғларга қараганда кўпроқ миқдорда ва тез – тез суғориб турилади. Соз тупроқли боғлар мавсум давомида 8 – 10 марта, суғориш нормаси 800 – 1000 м³, шағалли, тошли тупроқда суғоришлар сони 18 – 20 мартагача суғориш нормаси 500 – 600 м³, сизот сувлари яқин жойларда боғлар 6 – 8 марта суғорилади. Яхоб нормаси 1500 – 2000 м³ бўлади.

Боғларни ўғитлаш.

Мевалардан юқори хосил олиш - мевачиликни ривожлантиришда асосий вазифа хисобланади. Бу вазифа боғларда юқори агротехникани қўллаш йўли билан бажарилиши мумкин, бунда ўғитлаш алохида ахамиятга эга. Боғларни шунинг учун ўғитлаш зарурки, мева дарахтлари бир жойнинг ўзида 50 йил ва ундан хам кўп йил ўсади, бу эса эрнинг бир томонлама кучсизланишига сабаб бўлади ва мева дарахтларининг ўсишини секинлатади хамда хосилни камайтиради.

Ўғитлар мева дарахтларида кечадиган бир қанча жараёнларга таъсир этади. Улар билиб ишлатилса ўсимликларнинг ер устки қисми ва илдиз системаси жуда кучли ривожланади. Дарахтлар ўғитланганда мева куртагини кўп хосил қилади ва мунтазам равишда хосил бериб туради, меваларнинг сифати яхшиланади.

Уруғли мева боғлари чуқур қилиб хайдалганда хар гектар ерга 40 тонна гўнг, 240 – 360 кг азот, 120 – 180 кг фосфор, 60 – 90 кг калий хисобидан ўғит солинади. Хосилга кирмаган боғларда хосилга киргунга қадар йил аро гектарига: 60 кг азот, 30 кг фосфор ва 15 кг калий солинади. Маҳаллий ўғитлар икки – уч йилда бир 10 – 20 тонна миқдорда хайдашдан олдин солинади. Хосил берайтган боғларга гектарига: 120 кг азот, 60 кг фосфор ва 15 – 30 кг калий, икки – уч йилда бир марта 10 – 12 тонна гўнг солинади. Шағалли тошлоқ ерларда ўғитлар миқдори 50 % га кўпайтирилади.

Фарғона водийсидаги шағал тошли ерларда хар гектар данакли мева боғларига 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 30 кг калий, гўнг 20 – 40 тонна миқдорида солинади. Хосил

юқори бўлганда минерал ўғит миқдори икки баробар кўпайтирилади. Бундай тупроқларда хар гектар боғ майдонига шудгор олдидан ва бахорда қўшимча озиклантириш сифатида 10 – 15 тонна нажас солиш яхши натижалар беради. Бахорларнинг қатор ораларига хар икки – уч йилда яшил ўғит сифатида кўкатлар экиш яхши натижалалар беради. Улар боғларнинг тупроғини органик моддаларга бойитиш ва тупроқ структурасини яхшилаш учун экилади. Кўкат ўғит сифатида мавсум даври қисқа бўлган, кўплаб яшил масса берадиган ва тупроқда азот тўплайдиган бир йиллик ўсимликлар экилади, буларга никольсон нўхати, вагка шабдар, беда, мош, ловиялар киради, улар асосан эрта бахор ва кузда экилади. Кузда экилган кузги сидерат қишдаги қаттиқ совуқларга яхши бардош беради ва май ойига келганда гектаридан 200 – 250 кг гача яшил масса беради, бу масса кир 1,5 да майдаланиб ер хайдалади, хайдаб юборилган ёш кўкат ўсимликлар тезда чириydi ва тупроқ донаторлигини яхшилаydi. Кузатишлар шуни кўрсатадики, сидерат экилган боғдан 30 – 40 % юқори хосил олинган.

Боғларни буташ ва уларга шакл бериш.

Мқвали дарахтлардан хар йили муттасил юқори хосил олишга қаратилган агротехник тадбирлар матмуасида дарахтларни тўғри буташ мухим ахамиятга эгадир. У дарахтларни ўсишига, хосилга кириш муддатига, хосил миқдорига, мева сифатига, хосилни йиғиштириб олишга, боғда ишлайдиган механизмлардан унумли фойдаланишга, мева зараркунанда ва хашоратларга қарши курашишга ижобий таъсир кўрсатади. Мева дарахтлари қишда хам, ёзда хам буталади. Мева дарахтларини буташ ва шакл солиш уларни уйғонмаган даврда барг тўкилиб бўлгач, ўсув даври бошлангунча ўтказилади. Ёздаги буташда фақат янги новдалар кесиб олинади. Бунинг натижасида шох – шаббага ёруғлик, илдизларга хаво кўпроқ кириб туради, дарахтда қолган шохларнинг ўсиши яхшиланади.

Боғларни буташ асосан икки хил бўлади: шохларни сийраклаштириш ва қисқартириш. Сийраклашда дарахтларнинг шох – шаббаси ичига ўсган, синган ва чалкашиб кетган, бутоқ ва майда новдалар танасига тақаб кесиб олинади. Бунинг натижасида янги мева шохлари хосил бўлади, шох – шаббага ёруғлик яхши тушиб туриши сабабли дарахт энига ва бўйига ўсади. Қисқартиришда шох ёки бутоқнинг бир қисмигина кесиб олиниб кейинчалик ўсиб чиққан бутоқнинг бир қисми қолдирилади. Шохларни қисқартириш туфайли уларнинг қолган қисмида кўпгина куртак ўсиб чиқади.

Боғдорчиликла олма, нок, ўрик, гилос ва олхўри дарахтларининг кўпчилик навларига шакл беришнинг қабул қилинган схемаси сийрак қаватли схема бўлиб, бунда шох – шаббага чала қаватлар тариқасида шакл берилади. Биринчи хали кўчатзорда ўтказилган буташда иккита ёки учта асосий новда қолдирилади. Кейинги шакиллантиришлар боғда давом этирилади. Бунинг учун марказий танада биринчи қаватдан 60 – 70 см юқорироқда иккинчи қаватнинг иккита склет новдаси шакллантирилади ёки якка – якка жойлаштирилади. Новдалар шундай такланадики, бунда уларнинг танасидан ўсиб чиқиш бурчаги 45 – 50 ° ни ташкил қилади. Янги шакиллантирайтган хар бир асосий новда пастроқда жойлашган иккита новда ўртасида бўлиши керак. Тана бўйлаб склет новдаларнинг бир биридан жойлашиш масофаси камида 20 см. Иккинчи ярусдан юқорироқда фақат битта ёки иккита склет новда бўлиши мумкин. Бу шох – шаббанинг шохланиш характериға боғлиқдир. Сийрак қаватли система бўйича тўла шакиллантирган мева дарахти биринчи тартибдаги беш – олтита склет новддан иборат бўлиши керак. Биринчи тартибдаги новдаларнинг шакиллантириш билан бир вақитда иккинчи ва учинчи тартибдаги новдалар хам шакиллантирилади. Иккинчи тартибдаги биринчи шох биринчи тартибли шохда яратилиб, унинг асосидан 30 – 40 см узоқликда бўлиши керак, иккинчи шох биринчисидан 25 – 30 см оралатиб шакиллантирилади. Учинчи тартиб шохлари хам шу тариқа шакиллантирилади. Ёш боғларда ўсув даври давомида (май охири, июнда) учинчи барг устидаги хали

ёғочланмаган новдаларнинг учи чилпиб турилади. Бу шох – шаббанинг шакилланишига ва дарахтни тезроқ хосилга киришига ёрдам беради. Ёш дарахтларга бир икки йил давомида шакл бергандан сўнг уларни кўп буташ тавсия этилмайди, чунки бу холда улар зўр бериб бўйига ўсади ва хосилга кириш вақти кечикиб кетади. Бу даврда буташда яхши шохланган бироқ тарвоқайлаб кетмаган шох – шабба яратиш даркор.

Шох – шаббанинг асосий шохларига шакл берилгандан сўнг, марказий ўтказувчи тана 45⁰ бурчак остида якка ўсган ён шох баландлигига кесилади. Натижада дарахтнинг бўйи пастлашади ва шох – шабба ички қисмининг яхшироқ ёритилиши учун шароит яратилади. Шу мақсадда биринчи тартибдаги тик ўсган шохлар иккинчи тартибнинг ташқи ён шохлари устига ўтказилади. Мева дархтлари шох – шаббасини дастлабки беш – етти йил давомида шакиллантириш лозим. Уларни тур ва нав хусусиятларини инобатга олган холда буташ керак.

Олма хосилга кира бошлаган дарахтларнинг (6 ёшдан 15 ёшгача) шох – шаббаси сийраклаштирилади: бир бирига халакит берадиган ва шох – шаббани қоронгулаштирадиган барча новдалар олиб ташланади. Сушт новда чиқарадиган асосий халқасимон ва мураккабхалқасимон шохларда мева берадиган навларда (Пармензимний залатой) барча тартибдаги асосий шохлардан ўсиб чиққан бир йиллик шохларни қисқартириш давом эттирилади. Кучли шохланадиган навлар (Ренет симиренка) фақат узун 60 см дан юқори ўсган шохлар қисқартирилади. Шохлар нормал ўсганда (40 – 45 см) улар қисқартирилмайди. Шохларнинг йиллик ўсиши 15 – 20 см камайганда уларнинг бўйини 35 – 40 см атрофида сақлаб туриш мақсадида бу шохлар қисқартирилади. Ён томондан ўсиб чиққан шохларни эгиб ёки қисқартириб улардан мева шохлари хосил қилинади.

Дарахтлар тўла мева бера бошлаган даврда (15 дан 30 ёшгача) ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва хосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Бу вақтда дарахтлар ёш давридагига нисбатан камроқ буталади, фақат майда, шох – шаббани қоронгулаштирадиган шохлар ва бачки шохлар олиб ташланади, алохида ўсган ва янги ташкил топган узун шохлар қисқартирилиб, мева шохларига айлантирилади. Агар склет шохлар учининг ўсиши хосилнинг хаддан ташқари кўплиги ёки агротехниканинг ёмонлиги туфайли 15 – 20 см гача қисқарса, ўсишни кучлантириш мақсадида 2 – 3 йиллик ёғочликнинг учларидаги шохлар кесилади, шунингдек ён шохлар ва ерга осилиб тушган касал, қуриган ва синган шохлар кесиб ташланади.

Мураккаб халқасимон шохлар ва мевали шохлар уларнинг холатига кўра учдан бир қисмига ёки ярмига қисқартирилади.

Нок. Нок ҳам олма сингари буталади. Кам шохланадиган бироқ бир йиллик новдалари кучли ўсган ва халқасимон шохлари кўп бўлган новдаларда асосий шохлардаги шохлар, уларнинг қисқа узунлигига кўра, ярмисига ёки учдан бир қисмига қисқартирилади. Кучли шохланадиган навларда ва мева берадиган дарахтларда сосан шох – шабба буталиб сийраклаштирилади. Ўсиш сусайганда эса икки – уч йиллик ёғочликкача кесилади.

Беги. Беги ҳам олма каби сийраклаштирилган қаватли система бўйича шакиллантирилади. Шунинг унутмаслик керакки, бегининг ҳамма навлари барг қўлтиқларидан хосли тугади, шунга кўра ўсувчи навлар калта кесилса, новданинг юқори қисмидаги хосил куртаклари кесилиб, хосилни йзқотишга олиб келади. Шунинг учун беги дарахтининг 4 йилдан бошлаб ўсаётган шохларидаги бир қисм новдалар мева олиш мақсадида қисқартирилмайди, қолган қисми уч – тўрт куртакга қисқартирилади.

Ўрик. Ўрик дарахти ёш пайтида жуда кучли ўсиб, бир йиллик новда бериш қобилиятига эга. Умуман ўрик дарахти 5 – 6 ёшгача бақувват новдалар хосил қилиб кам шохлайди, бу даврда ён шохчалар хосил қилиш мақсадида новданинг узунлигини учдан бир қисмини, ёки тенг ярмигача қисқартирилади. Ўрик дарахти берадиган хосилни 30 – 30 % бир йиллик новдадан беради, шунинг учун ўриқдан юқори хосил олиш учун унда бир йиллик новдалар хосил қилишга эришмоқ лозим. Ўрик дарахти тош шағалли ерларда 12 –

13 ёшдаёқ икки – тўрт йиллик шохлари, 17 – 20 ёшда эса беш – олти йиллик шохлари кесилиб, қисман ёшартирилади. 30 – 35 дарахтлар етти – саккиз йиллик ёғочликкача кесиб ёшартирилади.

Шафтоли. Уч – бешта шохдан шох – шабба хосил қилиб ва экилган йили тана кесиб, косасимон тикда шакиллантирилади. У дастлабки йилларда тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тезда мева бара бошлайди. Мева бир йиллик шохларда тугади. Шунинг учун уни хар йили кесиб турилмаса, шох – шаббаси тез қалинлашиб, дарахтнинг ички қисмидан шохлари ялонғочланади, мева дарахт четидаги новдалар ўтиб кетади.

Дастлабки бир – икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартириб турилади ва шох – шабба сийраклаштирилади. Асосий шохнинг учидан ўсиб чиққан узунлиги 50 – 60 см ли ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмисига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади, 20 – 25 см дан кам ўсган новдалар қисқартирилмайди. Новдаларнинг узайиб кетиши ва осилиб қолишига йўл қўйилмаслик учун улар бир бирини алмаштиришни мўлжаллаб кесилади, яни бир новдани узунроқ кесиб иккинчисини калтароқ уч тўрт кўзча қолдириб кесиш керак.

Гилос. Дарахт ёш даврида (6 – 10 яшар) кучли ўсиши ва кам шохлари билан бошқа мева дарахтларидан ажралиб туради. У ёш вақтида бақувват ялонғоч новдалар чиқаради, улар жуда кўп қисқартиришни талаб қилади. Новдалар ёзда албатта чилпиб ташланиши керак. Шохлар ялонғочланган ва новдаларнинг ўсиши секинлашган пайтда яшартириш учун улар вақти – вақти билан буталиб турилади. Мева берадиган ёшда, одатда ўсув новдалари ўртача бўлиб, шох – шабба қалинлашиб кетмайди ва шунинг учун новдалар қисқартиришни ва сийраклаштиришни тала этмайди.

Олхўри. Унинг кўпчилиги мева тугиш органлари қисқа мева шохчалари михсимон шохчалардан иборат бўлиб, улар икки ва кўп йиллик ёғочликларда жойлашган бўлади. Ёш олхўри дарахтининг шох – шаббасига шакл беришда шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат шох – шаббага ёруғлик яхшироқ тушиши учун бутаб ташланади. Барча холларда ҳам, биринчи навбатда касал, қуриб қолган ва бир бирига тегиб турадиган шохлар олиб ташланади. Узун ўсган ва осилиб қолган шохлар қисқартирилади. Шохларнинг ўсуви 15 – 20 см гача камайганда яшартириш мақсадида асосий шохлар икки – уч йиллик ёғочликкача қисқартирилади.

Олча. Бошқа тур мева дарахтларига нисбатан кам буталади, фақат синган, қуриган ва қарий бошлаган шохлар олиб ташланади. Олча қарий бошлаб, ўсув сусайган ва хосили камайиб кетган даврида дарахтнинг холатига кўра, уч – беш йиллик ёғочликкача яшартирилади, тик ўсадиган навлари кўпроқ, шохлари осик навлари камроқ буталади.

Мевали дарахтлар қариганда ва совуқ урган йилларда бутаб яшартирилади. Ёш шохларни совуқ урганида икки – уч йиллик ёғочликкача, қаттиқроқ совуқ урганида эса қарироқ ёғочликкача (соғлом ёғочликкача) кесилади.

Мева ўсимликларининг зараркунанда ва касалликлари ҳамда уларга қарши кураш усуллари.

Ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари мевали боғларнинг ривожланишига анчагина зиён етказилади. Мева хосилининг кўпгина қисми муртаклик даврида йўқолиб кетади, шу билан бирга ривожланган ва пишиб етилган меваларнинг ҳам анчаси нобут бўлади. Мевали дарахтлар кўп йиллик ўсимлик бўлганидан, бу дарахтларда уларнинг ўзларига хос касаллик ва зараркунандалар вужудга келади. Уларга қарши кураш олиб борилмаса, бир неча йил мобайнида улар жуда кўпайиб кетади. Қуйда мевали дарахтларда учрайдиган баъзи зараркунанда ва касалликларга тўхтаб ўтамиз.

Олма қурти.

Олма қурти олма, нок, олхўри, шафтолини ва хатто ўрикни ҳам зарарлайди. Олма қурти тушган мевалар тўкилади, тўкилмай пишиб етилганларининг сифати жуда пасаяди.

Олма қуртининг капалаги кичкина гавдали, тўқ кулранг тусда бўлади; қанотларини ёзганда уларнинг эни 14 – 20 мм келади. Олдинги қанотлари кўпдан кўп тўлқинсимон кўндаланг чизиқлар билан қопланган, қанотларининг учларида тўқ буғдой рангли доғ бўлади.

Тухуми думалок ёки ясси, оқ рангли бўлиб, тухумининг диаметри 1 мм. Муртаги ривожланган сари тухумининг туси ўзгаради. Ўсиб етилган қурти 12 – 20 мм гача узунликда оч пушти рангда бўлади. Қуртининг боши қўнғир тусда, танасининг сирти кўпгина кулранг ва тукчали доғлар билан қопланган бўлади. Қўнғир рангли ғумбаги текиз қилиб ўралган ипаксимон оқ пилла ичига жойлашади. Олма қурти уч бўғин авлод беради. Меваларни тухумдан чиққан қуртчалари зарарлайди. Биринчи кўкламчи капалаклари олма дарахтлари гуллаб бўлган вақтда апрель охирида пайдо бўлади ва май охиригача боғларда учиб юради. Капалаклар кундузлари яшириниб ётади, қош қорайганда новвда, барг ва меваларга тухум қўйади, битта урғочи капалак 50 – 350 донагача тухум қўяди. Бу тухумлардан 5 – 12 кун ичида қуртчалар чиқади ва улар мева, новда ва баргларнинг сиртида ўрмалаб юради, сўнгра мева пўстини тешиб меванинг ичига киради. Зарарланган меванинг қурт кирган тешигидан кипикчага ўхшаш қўнғир рангли чиринди чиқиб туради. Озиқланиб бўлган қуртлар мевадан ташқарига чиқиб ғумбакга айланади ва бу ғумбаклардан янги капалаклар вужудга келади. Ўсиб етилган охириги бўғин қуртларнинг кўпчилиги пўстлоқ тагидаги тана ва шохларнинг яра ёриқларидаги, шох қўлтиқларидаги пиллаларда, озроқ қисми эса дарахтнинг илдиз бўғизи ёнида қишлайди. Қишлаб чиққан қуртлар кўкламда ғумбакка айланади.

Кураш чоралари. Олмазорларда олма қурти тарқалишининг олдини олиш мақсадида дарахтлар гулдан чиққан захоти кимёвий воситалар пуркаш зарур. Бу юмуш 12 – 15 кун оралатиб такрорланади. Бунинг учун препаратлардан бири қўлланилади: карбарос ёки бензофосфат (золон) 100 литр сувга 200 – 300 гр хисобида. Донитол пепаради 100 л сувга 100 гр ёки Децис ва Сумалофа 50 гр хисобида қўллаш яхши самара беради.

Куртакхўр.

Куртакхўр олма дарахтининг куртаги, гул ва меваларини ҳамда баргларини зарарлайди. Бир ёзда икки бўғин авлод беради. Иккинчи бўғин қуртчалари дарахт таналарининг кўчаётган пўстлоқлари ва ёриқларида қишлайди. Қуртчалар апрель бошида бўртиб ёзила бошлаган вақтда уйғона бошлайди. Куртакларнинг шикастланган жойларидан шира чиқади, куртакларнинг ўзлари эса ўргимчак иплари билан ўралган бўлади. Бу қуртчалар ёзилаётган баргларнинг четларини ўргимчак иплари билан ўраб олиб баргларни ҳам шикаситлайди.

Кураш чоралари. Дарахтлар ўсишдан тўхтаган даврда уларга 10 % минерал – май эмульсияси ёки 5 % охак – олтингугурт қайнатмаси (ИСО) пуркалади. Олма қуртига қарши кимёвий препаратлар билан ишланганда ҳам куртакхўрларнинг қуртча ва капалаклари ўлади. Дарахтларнинг қуриб қолган пўстлоқлари тозаланганида олма қурти билан бмрга куртакхўр қуртчалари ҳам ўлади.

Олма куяси.

Бу зараркунанда ўргимчак ипларидан уя ясаб, шу уя ичида озиқланади. У йилига бир бўғин авлод беради, капалаклар ўз тухумларини “Қалқонча” билан қоплаб қўяди, тухумдан чиққан қуртчалар шу қалқонча остида қишлайди. Кўкламда куртаклар ёзилиши билан қуртчалар тўда – тўда бўлиб “Қалқонча” остидан чиқади ва ривожланаётган баргларни кемириб, тўкималар ичига киради. Олма гуллаётганида қуртчалар новда учларидаги ёндош баргларни ўргимчак иплари билан ўраб олиб ўзларига уя ясайди ва шу жойда озиқланади. Куя тушган барглар тезда нобуд бўлади.

Кураш чоралари. Ўсимликни ўсув даврида, дарахтларга гуллашдан олдин ва гуллагандан кейин Нугор билан 0,8 – 2,0 л га, ёки Дакадим 0,8 – 2,0 л га, ёки Децис 0,5 – 1,0 л га пуркалади.

Тўрвали куя.

Тўрвали куя олма, ўрик, нок, гилос, олча, бодом, шафтоли дарахтларига тушади. Бу зараркунанданинг куртчалари аввало ўрик дарахтининг бўртаётган барг ва гул куртакларини, кейин ғунча, барг ва ёш меваларини кемириб тешади. Шикастланган куртаклар қуриydi, ғунчалар тугунча хосил қилмай тўкилиб кетади, баргларда баргларда дастлаб ўта кўринадиган оч рангли доғлар вужудга келади, сўнгра улар аста – секин қораяди ва илма тешик бўлиб қолади. Бу зараркунанда бир бўғин авлод беради. Тўрвали куянинг учунчи ёшдаги куртчалари дарахт шохларида ва новда қўлтиқларида қишлайди. Бу куртчалар март охирида уйғониб, озиклана бошлайди. Апрель охири май бошида озикланишдан тўхтаб, дарахтнинг танасига ўтади, улар пўстлоқ тагига ва пўстлоқ ёриқларига кириб, тўрвача ичида ғумбакка айланади. Бир ой ўтгач бу ғумбаклардан капалаклар учиб чиқади ва хар бир капалак дарахт баргларига 50 – 70 дона тухум қўяди. 9 – 10 кун ўтгач тухумлардан куртчалар чиқади ва барг этининг ичига кириб унда бир хафта яшайди ва шу пайтда дастлабки тўрвачасини ясаб олади. Куртлар ўсган сари ташқарига чиқади ва тўрвачаларини барг тўқималари хисобига тоборо кенгайтириб, уни ўзларининг алохида безларидан чиқарган суюқ модда билан ёпиштириб қўяди. Куртлар сентябрда учунчи ёшга ўтиб озикланишдан тўхтади ва қишки уйқуга киради.

Кураш чоралари. Олма дархтлари ўсишдан тўхтаган даврда (кузда ёки эрта кўкламда куртаклар бўртгунча) уларга дизель ёкилгисидан тайёрланган 10 % минерал мой эмульсияси ёки 5 градусли охак – олтингугурт қайнатмаси пуркалади. Ўрик дарахтларига минерал – мой қаттиқ таъсир этганлиги сабабли улага мой аралаш дорилар пурқалмайди. Эрта кўкламда куртчалар уйғониб озиклана бошлаган вақтда дарахтларга 3 % ДДТ суспензияси (1 л сувга 30 гр ДДТ) сепилади.

Гунафша ранг қалқондор

Асосан олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олча, гилос ва бодом дарахтларини шикастлайди. Бу зараркунанда дарахтларнинг шох, новда, барг ва меваларига жойлашиб олиб ширасини сўради, бунинг натижасида ёш новдаларда барг ва мева бандларида кўпдан – кўп қизғиш гулафша ранг доғлар пайдо бўлади.

Урғочи қалқондорларнинг танаси тухумсимон ва гунафша рангли бўлади, танасининг диаметри 1 – 1,5 мм ча келади. Оёқ, мўйлов ва кўзлари бўлмайди. Хартумчаси йўғон, калта, унинг учи узун қиллар юилан қопланган бўлади.

Тухумдан чиққан личинкасининг бўйи 0,2 мм ча келади, танаси гунафша рангли. Бу личинка оёқли ва мўйловли бўлиб ўсимлик танасига ёпишиб олади ва умрининг охиригача ўша жойда туриб қолади, шу сабабли унинг оёқ, мўйлов ва кўзлари қуришиб, бўшашиб қолади ва иккинчи ёшга кирганда йўқ бўлиб кетади.

Гунафша ранг қалқондор икки бўғин авлод беради. Иккинчи бўғиннинг уруғланган урғочи қалқондорлари дарахтларнинг шох, новда ва таналарида қишлайди. Урғочи қалқондорлар апрелнинг иккинчи ярмида дарахт танасидаги қалқонча тагига 50 тагача тухум қўяди. Олти – ўн икки кунда тухумлардан дайди личинкалар чиқади ва дарахт танасида ўрмалаб юраверади. Майнинг иккинчи ярмида личинкалар кўплаб тухумдан чиқади. Бир бўғиннинг тухумдан чиқиб ўсиб етилиши икки ойгача чўзилади. Иккинчи бўғиннинг тухум ва личинкалари июль – август ойларида кўплаб пайдо бўлади.

Гунафша ранг қалқондор “Кокцидлар” деб аталган хашоратлар группасига киради. Бу группага дарахт ва ўтларда тўда – тўда бўлиб яшайдиган сўрувчи хашоратларнинг кўпгина турлари қарайди. Улардан бир қисмининг танаси, гунафша ранг қалқондорники

каби кўчадиган қалқон билан қопланган бўлади. Мева дарахтига тушадиган зараркунандалардан бу группага нок ва вергулсимон қалқондор киради.

Кокцидларнинг иккинчи қисмида асл қалқон бўлмайди, лекин урғочи кокцидларнинг танаси ўсиб етилган даврда ва тухум қўйганларидан кейин бўртиб қаттиқлашади, сўнгра шар ёки қайиқ шаклига киради. Бундай кокцидлар “Сохта қалқондор” деб аталади. Бу группага шафтоли, бодом, ўрик дарахтларида яшовчи шарсимон сохта қалқондор, олхўри дарахтида яшовчи олхўри сохта қалқондори, ўрик дарахтида, мева буталарида, оқ акация дарахтида яшовчи сохта қалқондори каби хавфли зараркунандалар киради.

Кураш чоралари. Барча турдаги қалқондорларни йўқ қилиш учун дарахтлар ўсишдан тўхтаган даврда минерал – мой эмульсияси пуркалади. Бу эмульсия хавонинг иссиқлиги 10 градусда паст бўлмаган қуруқ, илиқ кунларда пуркаш зарур, бундай қилинганда эмульсия мойи шох ва новдаларнинг пўстлоғини яхшилаб ёйилиб, қалқончалар тагига ўтади. Таналарига мой теккан хашоратлар бўғилиб ўлади. Эмульсия тайёрлаш учун 10 процент дизель ёнилғиси, 8 процент урчиқ ёки соляр мойи, 4 процент машина мойи ишлатилади. Дарахтларнинг катта – кичиклигига қараб хар гектарга 2500 – 3000 л эмульсия пуркалади.

Нок шира бити.

Бу зараркунанда нок дарахтларинигина шикастлайди. Личинкалари нок дарахтларининг баргларида ва ёш новда учларида яшаб, барг ва новдаларининг шираси билан озиқланади. Дарахтлар шира бити билан қаттиқ зарарланганида кучсизланиб қолади, барглари қорайиб тўкилади, баъзан ёлғиз меваларигина туриб қолади. Личинкалар дарахт ширасини тўла хазм қилолмаганда ширанинг хазмланмаган қисмини ахлат билан бирга ташқарига чиқаради. Натижада хамма барг, мева ва шохлар ёпишқоқ шира билан қопланиб ифлосланади. Бу шира билан “Қурумсимон” пўпанак замбуруғлар озиқланади, бундай замбуруғлар авж олганда бутун дарахт қопқора бўлиб қолади.

Ўсиб етилган нок шира бити кичик пашшага ўхшайди ва серхаракат бўлади. Битнинг бўйи 3 мм, қорни сариқ тусда ва кўндалангига кетган чизиклар билан қопланган бўлади. Личинкаларининг танаси ясси, сариқ ёки яшил тусда бўлади ва кам ҳаракат қилади, улар ўсимликларга ёпишиб олиб ўзлари чиқарган шира томчиси ичига ботиб туради.

Нок шира бити 4 – 5 бўғин авлод беради. Ўсиб етилган битлар кўпинча нок дарахтларининг шохларида қишлайди. Март ойида тухум қўя бошлайди. Тухумларини куртак ва новдаларга кейинчалик эса баргга қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар озиқланади, ўсади ва янги бўғин авлод беради, бир бўғини 30 – 50 кунда ривожланиб бўлади.

Кураш чоралари. Нок шира битини тарқалишини олдини олиш мақсадида дарахтлар гулидан чиққан захоти кимёвий дорилар пуркаш зарур. Бунинг учун препаратлардан бири қўлланилади: карбофос ёки бензафосфат (Золон) – 100 л сувга 200 – 300 гр хисобида; донитол препарати – 100 л сувга 100 гр; Децис ва Сумалофа 50 гр ва бошқалар.

Ўргимчаккапа.

Мева ўргимчаккапаси боғларга энг кўп зиён етказадиган зараркунандалардан биридир. У олма, нок, олча, гилос ва бошқа кўпгина мева дарахтлари баргларининг пастки томонида яшайди. Ўргимчаккапанинг сўриши сабабли барглар ширасизланиб қораяди ва вақтидан илгари тўкилади, дарахтлар заифлашади, паст сифатли ҳосил беради ва секин ўсади.

Ёзги капалар сарғиш яшил, қишлаётган капалар қизғиш рангли бўлади. Улар ёз мобайнида 10 бўғин авлод беради, булар барглардаги ўргимчак ипларидан ясалган тўр ичида яшайди ва урчийди; бу иплар капанинг алохида безларидан чиқарилади. Кузда озикланишдан тўхтаб қишлоғга киради. Асосан дарахтларнинг пўстлоғи тагида, ёриқларида, ҳамда бегона ўт қолдиқлари остида қишлайди.

Кураш чоралари. Дарахтлар ўсишдан тўхтаган даврда 5 градусли охак – олтингугурт қайнатмаси (ИСО) ёки 10 процентли минерал – мой эмульсияси пуркалади. Ёзда – капалар пайдо бўлган даврда 0,5 градусли охак олтингугурт қайнатмаси ёки бир литр сувга 10 грамм паста қўшиб тайёрланган 1 процентли коллоид олтингугурт суспензияси пуркалади, ёки 1 хисса олтингугурт кукунига 1 хисса очтирилган охак кукуни қўшилган аралашма чапланади.

Ўрик филчаси.

Ўрик филчаси – ўрик, бодом, шафтоли ва бошқа данакли мева дарахтларига тушади. Ўрик филчасининг қўнғизи ўйғиш яшил рангли бўлади. Боши хартумчага ўхшаб чўзилиб туради, унинг учида тиглари ва ўртасида тўнғич нинасимон мўйловлари бор. Кўкраги – елкаси покка ўхшайди; эркак қўнғизларнинг кўкрак четларида биттадан пихи бўлади, урғочи қўнғизларда бўлмайди. Танасининг бўйихартумчаси билан бирга 11 – 13 мм келади.

Личинкаси оқ рангли, оёқсиз, танаси ёйсимон букулган, танасининг олдинги қисми кенгроқ, боши кичкина, жағлари мустахам, қора тусда бўлади, уларнинг бўйи 10 – 12 мм келади.

Йилига бир бўғин авлод беради. Қўнғизлари дарахтларда ўрик гуллашдан олдин пайдо бўлади, кейинчалик тупроқ ичига кириб қишлайди. Қўнғизларнинг тупроқ ичидан кўплаб чиқиш вақти ўрик гуллаб бўлган даврга тўғри келади. Куртак тугунча ва меваларни зарарлайди. Урғочи қўнғизлар меванинг этини данагигача кемириб тешади, данак сиртига тухум қўяди, сўнгра бу тешикни кемирилган мева парчалари ва ўзининг ахлати билан беркитади. Бу қўнғизлар апрель – май ойларида озикланади ва тухум қўяди. Битта урғочи қўнғиз 80 донагача тухум қўяди. Бир жуфт қўнғиз озикланиш ва тухум қўйиш йўли билан 150 т гача мева зарарлайди.

Тухумларидан 8 – 12 кунда личинкалар чиқади. Улар данакни кемириб тешади ва мағизини еб қўяди. Катта миқдордаги зарарланган мевалар етилмасдан тўкилади, сифати йўқолади ва данаги истемол учун яроқсиз бўлади.

Кураш чоралари. Кузда ва қишда яхшилаб суғориш. Гуллагунча ва гуллагандан кейин 0,3 % золон, 0,5 % купразон ёки мис хлорокиси ҳам яхши натижа беради.

Клястерспориоз.

Клястерспориоз – тешикли доғланиш касаллиги, бу замбуруғли касаллик. У ўрикнинг куртаги, барги, гули ва новдаларини зарарлайди. Шох – шаббалари қалинлашиб мевага кирган ўрик дарахтлари бу касалликдан кўпроқ зарарланади. Бахорда касалланган баргларда думалоқ 2 – 5 мм ли зарғалдоқ – қизил рангли доғла пайдо бўлади. Сўнг баргнинг зарарланган жойидаги тўкималар тўкилиб кетади ва уларни ўрнида тешикчалар хосил бўлади. Меваларда эса қўнғир тусли шишлар пайдо бўлади, елим оқиб чиқа бошлайди. Касалланган куртаклар қуриб қолади. Новдаларнинг пўсти ёрилиб кетади ва елим чиқаради, гуллари тўкилиб кетади. Касалликни ривожланиши бахор – ёзги ёғингарчилик миқдорига боғлиқ равишда эрта бахордан кузгача давом этади.

Кураш чоралари. Эрта бахорда касалликдан зарарланган шохлар кесиб йўқотилади, дарахтларга 3 % бардо суюқлиги куртаклар ёзилишидан олдин суркалади (10 л сувга 300 гр мис купароси ва шунча сўндирилган охак). Бардо суюқлиги ўрикни мис хлорокиси ёки купрозон босолади (10 л сувга 40 гр). Бундан ташқари охак – олтингугурт қайнатмаси

ИСО нинг 5⁰ солиш яхши натижа беради. Гуллаш тамом бўлгандан сўнг 2 – 3 мартаба 1 % ли бардо суюқлиги пуокалади.

Юқорида кўрсатилган зараркунанда ва касалликлардан ташқари мева дарахтларида учрайдиган манилоз касаллиги, барг бужалоқлиги, ун шудринг касалликларига қарши бардо суюқлигининг 1 % лиги билан гулдан чиққан хафта ўн қун оралатиб 1 – 2 марта пуркалади.